

Ҳамдардлик



15:46 / 25.12.2024 1434

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга Қозоғистоннинг Оқтою шаҳри яқинида «Озарбайжон ҳаво йўллари»нинг йўловчи самолёти ҳалокатга учрагани оқибатида кўплаб одамлар қурбон бўлгани муносабати билан ҳамдардлик йўллади.

Давлатимиз раҳбари барча жароҳат олганлар тез фурсатда соғайиб кетишларини тилади.

Эслатиб ўтамыз, 25 декабрь куни Бакудан Грознийга учган самолёт Ақтау яқинида қулади.

Ҳозирда тирик қолганлар сони 30 нафардан ошган. Қутқарув ишлари давом этмоқда. Самолёт бортида Озарбайжон, Россия, Қозоғистон ва

Қирғизистон фуқаролари бўлган.